

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН СУВ ТАРМОҚЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Баратова Дилноза Нуридиновна

Мукумий номидаги Қўқон Давлат Педагогика Институтини

Баратова Юлдуз Нуридин қизи

А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат Педагогика Институтини

Аннотация: Маколада Жиззах вилояти суғориладиган сув тармоқлари, Сув манбалари, суғориш тизимлари хақида умумий маълумотлар берилган ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш туғрисида тавсия ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Сув ресурслари, суғориш тизимлари, суғориладиган ер майдонлари, оқилона фойдаланиш, сув тармоқлари, магистрал канал, сув манбаи;

Хозирги кунда тобора аҳолининг ўсиб бориши ва ривожланиб бораётган шаҳарларни озик-овкат ва уларнинг эҳтиёжларини кондиритиш учун кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж учун зарур булган сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қайта тикланиб бўлмайдиган сув ресурслари хозирги кунда дунё миқёсида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда сув тақсими нотекис тақсимланган, дарё тармоқларининг зичлиги ҳудуд буйича бир хил эмас. Текислик қисмида дарё ва сув тармоқлари жуда сийрак жойлашган. Тоғ ҳудудларда дарёлар тармоғи зич. Чунки тоғларда ёғингарчиликнинг кўп, буғланиш ва шимилиш кам бўлади. Натижада ёғинлар сув тармоқларига айланади. Сув тармоқларининг тақсимланишини Жиззах вилояти мисолида кўриб чиқамиз. Жиззах вилояти ҳудудининг жанубий-ғарбий қисмида Молгузар, Қўйтош, Нурота тоғ тизмалари жойлашган бўлиб, улар Ғаллаорол ва Фориш туманларини, жанубий-шарқдан эса Зомин ва Бахмал туманларини

ажратиб туради. Бу туманларнинг ерлари асосан тоғ ва тоғ олди майдонларидан иборат. Вилоятнинг ғарбий чегаралари эса Қизилкум паст текисликларига кириб бориб, бу ерлардаги катта майдонларни Айдар кўллар системаси ва Тузкон кўллари эгаллайди.

Иқлим шароити бўйича вилоят кескин континентал минтақага киради, яъни бу ерлар қуруқ ва жазирама ёзи билан ажралиб туради. Ёғингарчилик асосан қиш ва баҳор фаслларида бўлади. Асосий табиий географик сув тармоғи Сангзор дарёсидир, Туркистон тизмасидаги Сангзор дарёси асосан қор сувларидан тўйинади. Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағридан бошланувчи Зоминсув, Равотсой, Сайхонсой, Туркмансой, Кушчисой, Жалаирсой каби сойлар мавжуд. Суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлашда Сангзор дарёси, Зоминсув муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари кўплаб мавсумий оқадиган сойлар мавжуддир. Экинларни суғориш учун Туятортар канали, 1 ва 2 Жанубий Мирзачўл каналлари, Жиззах, Зомин, Қоровултепа, Арнасой сув омбори, Хўжамушкент, Сармич сув омбори, Новқа сув омборлари мавжуд. Вилоят худудида сунъий суғориш тармоқлари муҳим аҳамият касб этади. Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали унинг чап ва ўнг ирмоқлари 1, 2, 3 Жиззах машина каналлари шулар жумласидандир. Бу каналлар қишлоқ хўжалиги экинларини экишга ихтисослашган Арнасой, Дўстлик, Ш.Рашидов, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор ва Фориш туманларининг асосий суғориш манбаларидир.

Суғориладиган жами ер майдонларини сув билан таъминлашда Учтом системаси, Зомин, Туятортар Қли ЖЖМК, ДМ системаларининг ўрни катта. Булар асосан Сирдарё ва Зарафшон дарё сувларидан сув олиш системаси бўйича ишлайди. Вилоятнинг асосий сув манбаи бўлиб Сангзор дарёси ва ИТТ каналидан ичувчи туманлар Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл магистрал канали ҳамда шу каналнинг ўнг, чап ирмоқлари 1, 2 ва 3 Жиззах машина каналлари ҳисобланади. Жанубий Мирзачўл магистрал каналининг чап ирмоғи Дўстлик, Арнасой туманларига ўнг ирмоғига эса Мирзачўл тумани ФХХУларига, Арнасой туманидаги Самарқанд, Хоразм хўжаликларига ва

Фориш туманидаги Туркистон ФХҲУсига сув етказиб беради. Эски Туя-тортар канали Зарафшон дарёсининг Равотхўжа тўғонидан бошланиб, Бахмал, Ғаллаорол ва Ш.Рашидов туманининг бир қисмига сув етказиб беради. Булардан ташқари вилоятда 6 та сув омбори ва 30 дан ортиқ сел сақлагичлар мавжуд.

Вилоятда сувни тежаш ва муҳофаза қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни тақозо этади.

1. Суғориш тизими ва ўлчамларини замонавий суғориш техникаси билан мустаҳкамлаш орқали унинг самарадорлигини ошириш.
2. Томчилатиб суғориш тизимини кенг аудиторияда тарғиб қилиш.
3. Қишлоқ хўжалигида кам сув сарфлайдиган ўсимликларга ихтисослаштириш.
4. Сув манбаларининг ифлосланишини олдини олиш.

Бу асосий масала эса бир қанча чоралар тизимини ўз ичига олади.

1. Дарёларни кам сувли даврда уларнинг сувини бир мунча кўпайтиришга эришиш лозим. Бунинг учун мавжуд сув омборларидан тадбиркорлик билан фойдаланиш ва агромелиорация усулларини қўллаш талаб этилади;
3. Экин майдонларини суғориш натижасида ҳосил бўлган қайтарма сувлардан унумли фойдаланиш лозим. Уларнинг табиий ботиқларга оқизилишига ва беҳуда сарфланишига иложи борича йўл қўймаслик керак;
4. Сув ресурслари менераллашув даражасини аниқлаш базасини такомиллаштириш. Бунда қайси ҳудудда ўзгаришга қараб сабаб ва оқибатлари аниқланади ҳамда тезда чора кўриш енгиллашади.

Сув ресурсларини тежамли ва оқилоно фойдаланишда энг аввало сув тақсимоти режимини тўғри ташкил этиш, жойларда эскирган ва ишдан чиққан ускуналарни таъмирлаш, бошқарма мутахасисларининг тўғри ташкил этилган ҳисобот маблағларни керакли жойда ишлатилиб, натижалар кўрсаткичларини яхши томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Сув тақсимоти иктисодини йўлга қўйишда деҳқон ва фермер хўжаликларда томчилатиб суғориш тизимини кенг жорий этилиши айти пайтда муҳим масалалардан биридир. Бунда сув тақсимоти тежамли фойдаланилади. Аҳоли ўртасида экологик маданиятни

шакллантириш зарур ҳисобланади. Сувга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз, ҳар бир инсон тикланмайдиган сув ресурсларидан оқилона тежаб фойдаланишни шакллантириш зарур. Бунда нафакат бизни, балки келажак авлоднинг ҳам ҳаққи борлигини унутмаслигимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Жиззах вилояти Сирдарё Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳисобот материаллари.
2. Бараев Ф.А., Серикбаев Б.С., ва бк “Сув ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш” Т-2014.
3. Сирлибоева З.С. “Сув ҳавзалари гидрокимёси”. Тошкент. Университет. 2000
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 136-140 бет. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2006.

